

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**



Рўйхатга олинди:

№ БД-5120200-3.06

2018 йил “ ”

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

2018 йил “ ”

СИНХРОН ТАРЖИМА

ФАН ДАСТУРИ

Билим соҳаси:	100000	–	Гуманитар соҳа
Таълим соҳаси:	120000	–	Гуманитар фанлар
Таълим йўналиши:	5120200	–	Таржима назарияси ва амалиёти (роман-герман тиллари)

Тошкент – 2018

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил “25” августдаги 744-сонли буйруғининг 6-илоvasи билан фан дастури рўйхати тасдиқланган.

Фан дастури Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими йўналишлари бўйича Ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг 2018 йил “18” августдаги 4-сонли баённомаси билан маъқулланган.

Фан дастури Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида ишлаб чиқилди.

Тузувчилар:

- | | |
|--------------------|--|
| Г.П. Курбаназарова | - ЎзДЖТУ, “Таржимашунослик назарияси ва амалиёти” кафедраси катта ўқитувчиси |
| С.Н. Султанова | - ЎзДЖТУ, “Таржимашунослик назарияси ва амалиёти” кафедраси катта ўқитувчиси |

Такризчилар:

- | | |
|-------------------|---|
| Н.М. Камбаров | - ЎзДЖТУ, “Таржимашунослик назарияси ва амалиёти” кафедраси профессори, филология фанлари номзоди |
| И. Ибрагимходжаев | - Тошкент давлат иқтисодиёти университети, инглиз тили кафедраси доценти, филология фанлари номзоди, (<i>турдош ОТМ</i>); |

Фан дастури Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети Кенгашида кўриб чиқилган ва тавсия қилинган (2018 йил “27” июндаги “6”-сонли баённома).

I. Ўқув фанининг долзарблиги ва олий касбий таълимдаги ўрни

Ушбу фан синхрон таржиманинг моҳияти ва унинг хусусиятлари, синхрон таржима усуллари билан бирга халқаро конференциялар, илмий-техник матнлар таржимаси ва унинг ўзига хос хусусиятлари каби масалаларни қамраб олади. Синхрон таржимада учрайдиган муаммолар ва уларни бартараф этиш билан боғлиқ бўлган билимлар билан қуроллантиради. Ушбу мақсадга эришиш учун фан талабаларни амалий билимлар, кўникмалар, синхрон таржима ва таржиманинг ўзига хос хусусиятларига услубий ёндашув ҳамда дунё қарашини шакллантириш вазифаларини бажаради.

Синхрон таржима ўқув дастури 3-4 курс талабаларига мўлжалланган бўлиб, она тилига ва ундан чет тилига ҳамда оммавий ахборот воситаларини оғзаки синхрон таржима қилишга асосланган. Мазкур фан луғат билан ишлаш, оғзаки таржимада содда ва қўшма гапларнинг эквивалентини ҳар иккитилда тўғри топиш, ҳар икки тилга тўғри таржима қилиш йўллари қамраб олади. Дастур кетма-кетлик ва оддийдан мураккабга принципи асосида синхрон таржима қилишни, синхрон таржима кўникмалари ва малакаларига эга бўлишни талаб этади.

II. Ўқув фанининг мақсади ва вазифаси

Синхрон таржима ўқув фанининг мақсади – талабаларнинг синхрон таржима кўникмаларини шакллантириш ва синхрон таржима малакаларига эга бўлишни таъминлаш ҳисобланади. Ўқув фанининг вазифалари замонавий таржима методларини ўқув жараёнида татбиқ эта олиш, синхрон таржима қилинган матнларнинг аслияти билан солиштириб таҳлил қилиш, қилинган таржима сифатини аниқлаш мезонини ўрганиш, замонавий ва анъанавий усуллари фарқлай олишдан иборат. Бу фанни ўрганишда талабаларнинг қуйидаги қобилиятларга эришишлари асосий вазифа қилиб қўйилди. Социолингвистик, дискурсив (матнни ёза олиш ва сўзлаша олиш), стратегик (билмаганда ўрнини боса оладиган воситаларни қўллаш), социомаданий, ижтимоий ҳамда англаш ва билиш компетенцияларини, яъни лаёқатларини ўстириш асосий вазифа этиб қўйилган. Чет тилидаги коммуникатив компетенция талабаларнинг ўрганаётган тилда сўзлашувчи мамлакатнинг маданиятига кириб бориш лаёқатларини ҳамда у тилда эркин сўзлашиб оғзаки синхрон таржима қилишга тайёр эканликларини ифода этади.

Синхрон таржима фанини ўрганишда талабаларнинг қуйидаги **кўникма ва малакаларга** эришишлари асосий вазифа қилиб қўйилган:

- синхрон таржима асосида она тилига ва ундан чет тилига ҳамда оммавий ахборот матнлари, уларни синхрон таржима қилиш усуллари, она тилининг хусусиятларини ва услубий жиҳатларини, сўз танлашни ва таржиманинг турли техникасидан хабардор бўлиб, улардан унумли ва тўғри фойдаланишни билиши;

- сўзловчи нутқининг асосий мазмунини англаш, сўз ва гап маъноларини эсда сақлаб қолиш, унинг нутқидаги нотаниш сўз, ибора ва гапларни контекст орқали англаб, сўзловчи нутқи билан бир пайтда айтилган фикрларни синхрон таржима қилиш малакаларини шакллантириши;
- синхрон таржима қила олиш, синхрон таржима лабораториясида (кабинада) ишлаш кўникмаларини сингдириш;
- талабаларда чет тилларда чоп этиладиган даврий нашрларни ўқиш, шунингдек, радио ва телевидение материаллари билан танишиб бориш кўникмаларини шакллантириш;
- чет тилини адабий тил нормасида билиши, ижтимоий таълим ва профессионал матнларни тушуниши, монологик ва диалогик нутқни тўлиқ тушуниб, эркин сўзлай олиши ва синхрон таржима қила олиши; турли жанрли матнлардаги гапларни ўзаро боғлиқлигини сақлаб, воқеа ва ҳодисаларни аниқтасвирлаши;
- идиоматик сўз бирикмаларини, норма доирасида шеваларда талаффуз этилган аниқ ва мавҳум мавзулардаги нутқларни тушуниш, уни синхрон таржима қила олиши;
- эквивалентсиз сўзларни билиши ва уларнинг муқобилларини топа олиши;
- таржима методлари сирасига кирадиган микроревью, компрессия, субституция, трансформация ҳодисаларини билиши;
- таржима жараёнида ишлатиладиган, нотик нутқининг асосий мазмунини ифодаловчи эслатма ёзувларни билиши;
- сиёсат, молия, санъат, иқтисод, спорт, технология, тиббиёт, божхона, ҳуқуқшунослик ва шу каби соҳаларга тегишли матнларни таржима қила олиш, улардаги атама ва терминларни чуқур ўрганиши ва уларни тўғри таржима қилиши, она тили ва чет тилидаги атамаларни бир-бири билан таққослашни билиши;

III. Асосий қисм (амалий машғулотлар)

1-мавзу. Синхрон таржима фанига кириш

Таржима турлари, синхрон таржиманинг хусусиятлари, синхрон таржима тарихи, синхрон таржима машқлари, синхрон таржима кабиналарида ишлаш қоидалари, синхрон таржимани ўрганиш методлари, эшитиш ва хотирада сақлаш машқлари, сўзларни тушириб қолдириш ва таржима, таржимада эквивалентлик.

2-мавзу. Синхрон таржима қилиш принциплари

Чет тилидан она тилига синхрон таржима қилиш принциплари. Она тилидан чет тилига синхрон таржима қилиш принциплари. Синхрон таржимада гапларни мантиқий боғлаш. Синхрон таржимада компрессия ҳодисаси. Таржимада кўлланиладиган турли лексик ва грамматик трансформациялар. Таржима

методлари сирасига кирадиган микроревью, компрессия, субституция, трансформация ҳодисалари.

3-мавзу. Визуал таржима синхрон таржимага ўргатиш методи сифатида

Визуал таржима методлари, дарҳол таржима қилиш услублари, ёзма матнни қисқа вақт ичида оғзаки таржима қилиш, таржима қилинаётган тилдаги сўз ва ибораларга айна пайтда эквивалентларини топиш. Визуал таржиманинг техник усуллари, компьютер экранда ёзилган матнларни визуал таржима қилиш. Катта экранлардаги матн, титрларни визуал таржима қилиш. Озиқ-овқат, истеъмол маҳсулотлари қадоқларидаги ёзма матнларни визуал таржима қилиш.

4-мавзу. Таржима жараёнида хотирани ривожлантириш

Синхрон таржима хотирани ривожлантириш машқлари. Мнемотехник машқлар. Сонларни ёдда олиб қолиш. Таржима жараёнида хотирани ривожлантириш. Синхрон таржима кўникма ва малакаларини оширишга йўналтирилган, хотирани мустаҳкамлайдиган турли машқлар бажариш.

5-мавзу. Таржимон синхронистнинг нутқини ўстириш

Синхрон таржимада кўп сўзли ибораларни кам сўзли ибора ва сўзлар билан алмаштириш. Нотиқ нутқидаги асосий семантик мазмуннинг таржимаси. Сўзлар бирикишида тахминий мазмунни аниқлаш. Синхрон таржимада лексик бирликларни тўғри ишлатиш, синтактик боғланиш, категорияли семантик компонентлар, матннинг асосий мазмунини ифода этувчи сўзлар ва иборалар.

6-мавзу. Синхрон таржимадаги коммуникатив вазият

Синхрон таржимадаги коммуникатив вазият, синхрон таржимонни анжуманга тайёрлаш, анжуман мавзуси ва муаммолари билан танишиш. Синхрон таржима методлари, бир зумда таржима қилиш услублари, эшитиш ва хотирада сақлаш, таржима қилинаётган тилдаги сўз ва ибораларга бир зумда эквивалентларини топиш, ўрганилаётган тилдаги географик номлар, машҳур олимлар, ёзувчилар, ташкилотларнинг номлари, ҳар хил соҳага тегишли терминлар билан ишлаш.

7-мавзу. Синхрон таржиманинг техник хусусиятлари

Халқаро тадбир, йиғилиш ва конференцияларни ўтказиш хусусиятлари. Синхрон таржиманинг техник хусусиятлари. Кабина ва кабинадан ташқарида синхрон таржима қилиш. Кабинада ишлаш қоидалари.

8-мавзу. Турли соҳаларга тегишли матнлар таржимаси

Турли соҳаларга тегишли матнлар таржимаси. Турли соҳаларга тегишли атамаларнинг услубий хусусиятлари ва уларнинг функционал хусусиятларини таржимада сақлаш йўллари. Турли соҳаларга оид матнлардаги терминларнинг лексик ва грамматик хусусиятларини аниқлаш.

9-мавзу. Журналистика, радио ва телевидение матнларини синхрон таржима қилиш.

Журналистика, радио ва телевидение материаллари билан танишиб бориш кўникмаларини шакллантириш. Журналистика, радио ва телевидение матнларини синхрон таржима қилиш. Оммавий ахборот соҳа матнлардаги терминларнинг лексик ва грамматик хусусиятларини аниқлаш.

10-мавзу. Сиёсий-ижтимоий матнларни синхрон таржима қилиш.

Сиёсий-ижтимоий матнларни синхрон таржима қилиш. Сиёсий-ижтимоий соҳага оид матнлардаги терминларнинг лексик ва грамматик хусусиятларини аниқлаш ва тақдимот тайёрлаш.

11-мавзу. Маданият ва санъат соҳасига оид матнларни синхрон таржима қилиш.

Маданият ва санъат соҳасига оид матнларни чет тилига, она тилига синхрон таржима қилиш муаммолари. Маданият ва санъат терминларини таржима қилиш хусусиятлари. Маданият ва санъат соҳаси ҳужжатларни визуал-синхрон таржима қилиш. Ушбу соҳада ўтказилган конференциялар матнларини синхрон таржима қилиш.

12-мавзу. Экология соҳасига оид матнларни синхрон таржима қилиш.

Экология ва атроф муҳит соҳаси матнлари синхрон таржимаси. Экология соҳасига оид матнларни чет тилига, она тилига синхрон таржима қилиш муаммолари. Экология терминларини таржима қилиш хусусиятлари. ЭКОСАН ташкилоти ҳужжатларини визуал-синхрон таржима қилиш. Ушбу соҳада ўтказилган халқаро конференциялар, иқлим ўзгариш муаммолари буйича анжуманлар матнларини синхрон таржима қилиш. Лексик-грамматик трансформациялар.

13-мавзу. Иқтисод ва бизнес, молия соҳаларига оид матнларни синхрон таржима қилиш

Иқтисод ва бизнес соҳаси матнлари синхрон таржимаси. Лексик-грамматик трансформациялар. Бизнес диалогларни визуал-синхрон таржима қилиш. Халқаро ва давлатлараро сиёсий, иқтисодий ташкилотларга оид сўз, ибора ва терминлар таржимаси.

14-мавзу. Фан ва техника матнларини синхрон таржима қилиш

Фан ва техника: дунёвий фанлар, фан тараққиёти, фан ва техникага тегишли халқаро анжуманлар, кўтариладиган муаммолар. Фан ва техника соҳасига оид сўз,

ибора ва терминлар таржимаси. Фан ва техника соҳаси буйича экспозициялар визуал-синхрон таржима қилиш.

15-мавзу. Компьютер технологияларига оид матнларини синхрон таржима қилиш

Компьютер технологияларига оид матнларни чет тилига, она тилига синхрон таржима қилиш муаммолари. Компьютер технологиялари терминларини таржима қилиш хусусиятлари. Компьютер технологиялари соҳада ўтказиладиган анжуманларда синхрон таржима қилиш.

16-мавзу. Тиббиёт соҳасига оид матнларни синхрон таржима қилиш

Тиббиётга оид матнларни чет тилига, она тилига синхрон таржима қилиш муаммолари. Тиббиёт терминларини таржима қилиш хусусиятлари. тиббий хужжатлар, Соғликни сақлаш, кардиология, офтальмология, хирургия физиотерапия, фармацевтика ва бошқа тиббиёт соҳалари матнларини визуал-синхрон таржима қилиш. Дори рецептлари, дори-дармонларни қўллаш бўйича кўрсатмаларни визуал-синхрон таржима қилиш. Ушбу соҳада ўтказилган анжуманларда синхрон таржима қилиш.

17-мавзу. Божхона соҳасига оид матнларни синхрон таржима қилиш

Божхона соҳасига оид матнларни чет тилига, она тилига синхрон таржима қилиш муаммолари. Божхона терминларини таржима қилиш хусусиятлари. Божхона соҳаси хужжатларни визуал-синхрон таржима қилиш. Ушбу соҳада ўтказилган анжуманларда синхрон таржима қилиш.

18-мавзу. Ҳуқуқшунослик соҳасига оид матнларни синхрон таржима қилиш

Ҳуқуқшунослик соҳасига оид матнларни чет тилига, она тилига синхрон таржима қилиш муаммолари. Ҳуқуқшунослик терминларини таржима қилиш хусусиятлари. Суд хизматлари, суд хужжатлари, суд қарори ва ҳукмлари. Ҳуқуқшунослик соҳаси хужжатларни визуал-синхрон таржима қилиш. Ушбу соҳада ўтказилган анжуманлар матнларини синхрон таржима қилиш.

19-мавзу. Ҳалқаро ҳуқуқ соҳаси матнлар синхрон таржимаси

Ҳалқаро ҳуқуқ соҳаси терминлари, иборалар ва матнлар синхрон таржимаси. Ҳалқаро ҳуқуқ соҳаси матнлар синхрон таржимаси. Ҳуқуқшунослик соҳаси хужжатларни визуал-синхрон таржима қилиш. Ушбу соҳада ўтказилган анжуманларда синхрон таржима қилиш.

20- мавзу. Жаҳон ҳамжамияти тинчлиги ва хавфсизлиги матнлари

Жаҳон ҳамжамияти тинчлиги ва хавфсизлиги, Ўзбекистоннинг бошқа мамлакатлар билан маданий ва иқтисодий алоқаларига оид хужжатлар, терминлар таржимаси. Ушбу соҳада ўтказилган анжуманларда синхрон таржима қилиш.

21-мавзу. Спорт соҳасига оид матнларни синхрон таржима қилиш

Спорт соҳаси терминлари, иборалар ва матнлар синхрон таржимаси. Спорт соҳаси матнлар синхрон таржимаси. Спорт соҳаси ҳужжатларни визуал-синхрон таржима қилиш. Ҳалқаро миқёсда ўтказилган спорт мусобақаларини синхрон таржима қилиш.

22-мавзу. Кинематография соҳасига оид матнларни синхрон таржима қилиш

Кинематография соҳасига оид матнларни синхрон таржима қилиш. Кинематография соҳаси терминлари, иборалар ва матнлар синхрон таржимаси. Кинематография соҳаси матнлар синхрон таржимаси. Кино, видеофильмлар, ҳужжатли фильмлар субтитрларини визуал-синхрон таржима қилиш. Ушбу соҳада ўтказилган анжуманларда синхрон таржима қилиш.

23-мавзу. Транспорт ва логистика соҳасига оид матнларни синхрон таржима қилиш

Транспорт ва логистика соҳасига оид матнларни синхрон таржима қилиш. Транспорт ва логистика соҳаси терминлари, иборалар ва матнлар синхрон таржимаси. Ушбу соҳада ўтказилган анжуманларда синхрон таржима қилиш.

24-мавзу. Нефть ва газ соҳасига оид матнларни синхрон таржима қилиш

Нефть ва газ соҳаси терминлари, иборалар ва матнлар синхрон таржимаси. Нефть ва газ матнлар синхрон таржимаси. Нефть ва газ соҳаси ҳужжатларни визуал-синхрон таржима қилиш. Ҳалқаро миқёсда ўтказилган нефть ва газ соҳаси буйича ўтказиладиган анжуманларда синхрон таржима қилиш.

25-мавзу. Соҳасига оид матнларни синхрон таржима қилиш

Архитектура ва қурилиш соҳаси терминлари, иборалар ва матнлар синхрон таржимаси. Архитектура ва қурилиш синхрон таржимаси. Архитектура ва қурилиш соҳаси ҳужжатларини визуал-синхрон таржима қилиш. Ҳалқаро миқёсда ўтказилган архитектура ва қурилиш соҳаси буйича ўтказиладиган анжуманларда синхрон таржима қилиш.

26-мавзу. Гастрономия ва кулинария соҳасига оид матнларни синхрон таржима қилиш

Гастрономия ва кулинария соҳаси терминлари, иборалар ва матнлар синхрон таржимаси. Гастрономия ва кулинария соҳаси матнларини визуал-синхрон таржима қилиш. Ҳалқаро миқёсда ўтказилган гастрономия ва кулинария соҳаси буйича ўтказиладиган мусобақалар синхрон таржима қилиш.

27-мавзу. Реклама ва ижтимоий муносабатлар соҳасига оид матнларни синхрон таржима қилиш

Реклама ва ижтимоий муносабатлар соҳаси терминлари, иборалар ва матнлар синхрон таржимаси. Реклама ва ижтимоий муносабатлар соҳасига оид матнлар ва ҳужжатларни визуал-синхрон таржима қилиш.

28-мавзу. Енгил саноат, мода ва дизайн соҳасига оид матнларни синхрон таржима қилиш

Енгил саноат, мода ва дизайн соҳаси терминлари, иборалар ва матнлар синхрон таржимаси. Енгил саноат, мода ва дизайн соҳаси матнларини, ҳужжатларни визуал-синхрон таржима қилиш. Ҳалқаро миқёсда ўтказилган енгил саноат, мода ва дизайн соҳаси бўйича ўтказиладиган мусобақалар, анжуманларда синхрон таржима қилиш.

29-мавзу. Психология ва социология соҳасига оид матнларни синхрон таржима қилиш

Психология ва социология соҳаси терминлари, иборалар ва матнлар синхрон таржимаси. Психология ва социология матнлар синхрон таржимаси. Психология ва социология соҳаси ҳужжатларни визуал-синхрон таржима қилиш. Ҳалқаро миқёсда ўтказилган психология ва социология соҳаси бўйича ўтказиладиган анжуманларда синхрон таржима қилиш.

30-мавзу. Биология, ботаника, зоология, биохимия соҳаларига оид матнларни синхрон таржима қилиш

Биология, ботаника, зоология, биохимия соҳалари терминлари, иборалар ва матнлар синхрон таржимаси. Биология, ботаника, зоология, биохимия соҳаларига оид матнлари синхрон таржимаси. Биология, ботаника, зоология, биохимия соҳалари ҳужжатларни визуал-синхрон таржима қилиш. Ҳалқаро миқёсда ўтказилган биология, ботаника, зоология, биохимия соҳалари бўйича ўтказиладиган анжуманларда синхрон таржима қилиш.

31-мавзу. Астрономия соҳасига оид матнларни синхрон таржима қилиш

Астрономия соҳаси терминлари, иборалар ва матнлар синхрон таржимаси. Астрономия матнлар синхрон таржимаси. Астрономия соҳаси бўйича ўтказиладиган анжуманларда синхрон таржима қилиш.

32-мавзу. Туризм соҳасида синхрон таржима

Туризм соҳасига оид матнларни синхрон таржима қилиш. Туризм соҳаси терминлари, иборалар ва матнлар синхрон таржимаси. Ўзбекистон тарихий обидалари, маданий мероси ва диққатга сазовор туристик жойларни тасвирловчи матнларни визуал-синхрон таржима қилиш. Туризм соҳаси мавзусида ўтказиладиган анжуманларда синхрон таржима қилиш.

33-мавзу. Ҳалқаро ташкилотлар анжуманларида синхрон таржима

Ҳалқаро ташкилотлар анжуманларида синхрон таржима қилиш хусусиятлари. Ҳалқаро ташкилотлар ҳужжатларини визуал-синхрон таржима қилиш. Бирлашган Миллатлар Ташкилотида синхрон таржима.

34-мавзу. Ўзбекистон Президенти нутқларини синхрон таржима қилиш.

Ўзбекистон Президенти нутқларини синхрон таржима қилиш. Ўзбекистон Президентининг БМТ Ассамблеясида сўзлаган нутқи. Ўзбекистон Президентининг байрам табриклари. Ушбу нутқларнинг нашр қилинган вариантини ўрганиш, таҳлил қилиш.

35-мавзу. Ҳорижий давлатлар президентлари нутқларини синхрон таржима қилиш.

Ҳорижий давлатлар президентларининг машҳур нутқларини синхрон таржима қилиш. Россия, АҚШ ва Европа давлатлари президентларининг нутқлари ва синхрон таржима қилинган шаклини эшитиш, таҳлил қилиш ва синхрон таржима қийинчиликларини англаш.

36-мавзу. Глобаллашув ва синхрон таржима

Глобаллашув даврида синхрон таржима. Глобаллашув муаммолари буйича анжуманлар матнларини синхрон таржима қилиш.

IV. Мустақил таълим ва мустақил ишлар

Талаба мустақил ишни тайёрлашда муайян фаннинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қуйидагилардан фойдаланишлари тавсия этилади:

- турли соҳага тегишли терминлар бўйича тарқатма материаллар тайёрлаш;
- она тилидаги кўп сўзли иборалар ўрнига ўрганаётилган чет тилидаги кам сўзли муқобилларини топиб луғат тузиш;
- ўтилаётган мавзуга оид умумий семантик компонентга эга бўлган сўзлар ва иборалар рўйхатини тузиб, ёд олиш;
- синхрон таржимоннинг профессионал кўникмалари;
- синхрон таржимонлик маҳорати нима эканлиги ҳақида материал тўплаш ва таржимон услублари ҳақида билиш;
- синхрон таржимонларни тайёрлаш муаммолари бўйича иншо ёзиш;
- турли соҳаларга оид матнлардаги терминларнинг лексик ва грамматик хусусиятларини аниқлаш ва тақдимот тайёрлаш.
- чет тилидан она тилига қилинган матнлар таржимасини таҳрир қилиш ва камчиликлари ҳақида ёзма фикр билдириш.
- тиббиётга оид матнларни чет тилига таржима қилиш ва таржима муаммолари ҳақида реферат ёзиш.

Мустақил таълим учун тавсия этиладиган мавзулар:

1. Фан ва техника: дунёвий фанлар, фан тараққиёти, фан ва техникага тегишли халқаро анжуманлар, кўтариладиган муаммолар.
2. Сиёсат, молия, санъат, иқтисод, спорт, технология, божхона, ҳуқуқшунослик терминлари.
4. Халқаро ва давлатлараро сиёсий, иқтисодий ташкилотларга оид сўз, ибора ва терминлар таржимаси.
5. Жаҳон ҳамжамияти тинчлиги ва хавфсизлиги, Ўзбекистоннинг бошқа мамлакатлар билан маданий ва иқтисодий алоқаларига оид ҳужжатлар, терминлар таржимаси.
6. Таржимада қўлланиладиган турли лексик ва грамматик трансформациялар.
7. Илмий-техник матнлар таржимаси
8. Синхрон таржима техникасини эгаллашга қаратилган маълумотлар тўплаш. 10. Синхрон таржима кўникма ва малакаларини оширишга йўналтирилган, хотирани мустаҳкамлайдиган турли машқлар бажариш.
11. Хорижий тилдаги радио ва телевидение кўрсатувларини видеотасмага ёзиб олиб, синхрон таржима қилиш.
12. Хорижий тилдаги фильмни синхрон таржима қилиш.
13. Турли соҳага тегишли бўлган хорижий тилидаги терминларни она тилидаги эквивалентлари топиб, луғат тузиш.

V. Асосий ва қўшимча ўқув адабиётлар ҳамда ахборот манбалари

Асосий адабиётлар

1. Muminov O.. A Guide to Simultaneous Translation – Tashkent, 2005.
2. Muminov O.. A Guide to Consecutive Translation. - Tashkent, 2013.
3. Kazakova T.A. Translation Techniques. СПб, 2018

Қўшимча адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Тошкент, “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 29 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 485 б.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги ПФ-4947-сонли Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда
4. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қонидаси бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил якунлари ва 2017 йил истиқболларига бағишланган мажлисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг нутқи. // Халқ сўзи газетаси. 2017 йил 16 январь, №11.
5. Бреус Е.В. Теория и практика перевода с английского языка на русский. - М.: Изд-во УРАО. 2005.
6. Виссон Л. Синхронный перевод с русского языка на английский. М.: Р. Валент, 2005.

7. Виссон Л. Практикум по синхронному переводу с русского языка на английский. М.: Р. Валент, 2006.
8. Фалалеев А, Малофеева А. Упражнения для синхрониста. Камея. СПб.:2017.
9. Фалалеев А, Малофеева А. Упражнения для синхрониста. Ваза династии Мин. СПб.:2016.
10. Гак В.Г. Теория и практика перевода – М., “Добросвет”. 2000.
11. Г. В. Чернов, Теория и практика синхронного перевода. Москва, 1978
12. Л.С. Бархударов, Что нужно знать переводчику? Тетради переводчика. Москва, 1978
13. Translation of texts for special purposes, Bobireva N.N., Kazan-2012
14. Kriston A. The importance of memory training in interpretation, Professional Communication and Translation Studies, 5 (1-2)/2012
15. Gile D., Basic Concepts and Models for Interpreter and Translator training, J.Benjamins -1995
16. Gile D., Basic Theoretical Components in Interpreter and Translator training,, J.Benjamins -1992
17. Giliies A.,Conference interpreting, A New Student’s Companion - 2004
18. Хужжатли ва бадий фильмлар ва CNN, BBC, Давр, Ахборот телевизионянгиликлари
19. Uzbekistan Today (газетасининг ҳар ҳафталик янгиликлари).
20. The Economist (журналининг ҳар ойлик янгиликлари).
21. The Sunday Times (газетасининг ҳар ойлик янгиликлари).
22. The Week (журналининг ҳар ойлик янгиликлари).

Интернет сайтлари

1. <http://www.conferenceinterpreters.ca/>
2. <http://www.universelanguage.com/simultaneousinterpretation>
3. <http://www.conference-interpreting.ru/>
4. <http://studystuff.ru/articles/preczizionnaya-informacziya.html>
5. <http://media.ls.urfu.ru/556/1475/3420/3726/>
6. <http://www.bbc.co.uk/worldservice/learningenglish/>
7. www.granddictionnaire.com
8. www.translatordirectory.com
9. <http://www.uz-translations.net>